

*Давлат активлари агентлигининг
«23» июнь 2023 йил
«145»-сон буйруғига
1-илова*

**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР
УЧУН КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ
ҚОИДАЛАРИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мақсади ва халқаро мезонлари. Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар деб аталади) устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида, давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда - Давлат иштирокидаги корхоналар, ДИК деб аталади) бошқарувнинг энг яхши амалиётларини илгари суришга қаратилган.

Қоидалар давлат корхоналарини зарур даражада бошқариш бўйича умумэътироф этилган стандарт саналган давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув бўйича ИХТТ бош тамойилларида (кейинги ўринларда - ИХТТ бош тамойиллари деб аталади) белгиланган зарур даражада бошқариш ёндашувларига асосланади.

Ушбу Қоидалар ДИКга ижтимоий ва иқтисодий мақсадларига эришишда ёрдам бериш, юқори даражадаги самарадорликни, ички ва халқаро капитал бозорларига кенгроқ киришни таъминлаш, шаффофликни ошириш, шунингдек, ҳукумат олдида ва уларнинг якуний эгалари бўлган кенг аҳоли олдида энг яхши ҳисобдорликни таъминлашга қаратилган.

ИХТТ бош тамойилларини асосан хусусий сектор корхоналарига нисбатан қўлланадиган G20/ИХТТ корпоратив бошқарув тамойилларининг (кейинги ўринларда - ИХТТ тамойиллари деб аталади) муайян қўлланилиши сифатида кўриб чиқиш мумкин

Қоидалар, шунингдек, давлат ДИКда нисбатан кичик улушни сақлаб қолган, аммо шу билан бирга масъулиятли ва хабардор акциядор сифатида ҳаракат қилишга интиладиган ҳолларда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

2. ДИК таърифи. «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, давлат иштирокидаги корхона — устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши миқдори эллик фоиздан ортиқ бўлган хўжалик жамияти ёхуд устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши миқдори хўжалик жамиятининг бошқа ҳар бир акциядори (иштирокчиси) улушига нисбатан кўп бўлган хўжалик жамияти, шунингдек давлат унитар корхонаси.

3. Ваколатлари. Ушбу қоидалар акциядор (масъулияти чекланган жамият иштирокчиси (кейинги ўринларда - иштирокчи), давлат корхонаси таъсисчиси (кейинги ўринларда - таъсисчи), ДИК кузатув кенгашлари ва бошқарув кенгашлари сифатида давлат қарорлари асосида амалга ошириладиган тавсияларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири тўғри бошқарув амалиётини амалга оширишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Амалга оширишда тегишли тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тегишли корхоналар фаолияти ҳисобга олиниши керак.

4. Амалга ошириш учун жавобгарлик. Ушбу Қоидаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун корхона эгаси (акциядор, иштирокчи, таъсисчи), унинг кузатув кенгаши ва бошқарув кенгаши биргаликда ҳаракат қилишлари лозим. Қоидаларнинг тавсияларига риоя қилиш мажбурияти тўғрисида қарор ДИКнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинади.

5. Мажбуриятлар тўғрисида маълумотларни ошкор қилиш. ДИК томонидан Қоидаларнинг тавсияларига риоя қилиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг веб-сайтида, шунингдек ДИК веб-сайтида жойлаштирилиши керак.

Қоидаларни амалга ошириш ва уларга риоя қилиншини назорат қилиш бўйича тавсия этилган ҳаракатлар кетма-кетлиги 1-иловада келтирилган.

ДИК 2-иловага мувофиқ шаклда хабарномани эълон қилиш орқали Қоидаларнинг тавсияларига риоя қилиш мажбуриятларини ошкор қилиши лозим.

Ушбу Қоидаларнинг тавсияларини жорий қилиш «риоя қил ёки тушунтир» халқаро тамойилига мувофиқ амалга оширилади. Агар Қоидаларнинг тавсияларига риоя қилишнинг иложи бўлмаса, ДИК бунинг сабабларини батафсил ошкор қилиши керак. Қоидаларнинг тавсияларига риоя қилмаслик давлат органлари томонидан санкцияларни қўллашга олиб келмаслиги керак.

II. АКЦИЯДОРЛАРГА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МУНОСАБАТ

6. Акциядорларга (иштирокчиларга) адолатли муносабатда бўлишни таъминлаш ва уларнинг бошқарув ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида ДИК:

давлат номидан фаолият юритувчи акциядор (иштирокчи) билан биргаликда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) ҳуқуқларини ҳурмат қилади, уларни ҳимоя қилиш чораларини кўради, шунингдек, уларнинг акцияларидан (улушларидан) қатъи назар, бошқа барча акциядорларга (иштирокчиларга) тенг муносабатда бўлишларини таъминлайди;

акциядорлар (иштирокчилар) уларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг кун тартибига қандай таъсир қилиш мумкинлиги ҳақида меъёрни низомга киритади;

акциядорларга (иштирокчиларга) ҳар бир турдаги акциялар ва корхона

улушлари томонидан берилган ҳуқуқлар тўғрисида маълумотлар олишни таъминлайди;

акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишида корхона акциялари (улушлари) берадиган ҳуқуқларнинг ўзгариши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

миноритар акциядорларни (иштирокчиларни) уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларда ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратади, шу жумладан етказилган зарарни қоплаш чораларини ишлаб чиқади;

инсайдерлик маълумотлари асосида битимлар тузишни тақиқлайди;

кузатув кенгашини сайлаш масаласини акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши ваколатларига киритади;

Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ва Ижро этувчи орган тўғрисидаги низомга кузатув кенгаши ва ижро этувчи орган аъзоларининг ҳар қандай битимда ёки ДИКга нисбатан манфаатлар тўқнашуви масаласида ҳар қандай қизиқиш тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини назарда тутадиган меъёр киритади (агар мавжуд бўлса);

сиртдан овоз бериш, шу жумладан почта ва электрон почта орқали (электрон имзо билан тасдиқланган ҳолда) ва ишончнома асосида овоз бериш, шунингдек, видеоконференциялар орқали умумий йиғилишларни ўтказиш учун имконият ва шароитлар яратади;

уставда қўшимча акцияларни чиқаришда акциядорлар устав капиталидаги улушига мутаносиб равишда акцияларни сотиб олиш ва акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳуқуқини назарда тутати (Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт);

уставда акцияларнинг (улушларнинг) камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (иштирокчилар) махсус масалалар бўйича аудиторлик текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга эканликларини (мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари), агар улар тегишли жараёнга риоя қилса, улар махсус масалалар бўйича аудиторлик текшируви ўтказилишини ишончли тарзда белгилашлари керак, акциядорга (иштирокчига) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёки таъсисчилар ёки бошқа шахслар томонидан шу тариқа ДИКга ёки акциядорларга (иштирокчиларга) зарар етказган қонун ёки Уставнинг бузилишини аниқлаш учун зарур

эканлигини белгилаб қўйиши зарур.

7. Барча акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) маълумот олишга тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун кузатув кенгаши ва ижро этувчи орган:

ДИК молиявий-хўжалик фаолиятида рўй берган, V-бўлимда таърифланганидек, барча акциядорларга (иштирокчиларга) алоқаси бўлган муҳим далиллар сифатида белгиланадиган ўзгаришлар ҳақида маълумотларни тўлиқ ошкор қилишни таъминлайди;

барча акциядорларга (иштирокчиларга) бир вақтнинг ўзида ва бир хил шартларда тақдим этилиши керак бўлган маълумотларни адолатли ошкор қилишда ДИКнинг юқори даражадаги шаффофлигини таъминлайди;

акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишига тайёргарлик жараёнида барча акциядорларга (иштирокчиларга) тўлиқ иштирок этишлари ва бошқарув ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун зарур маълумотларни тақдим этади;

акциядорларга (иштирокчиларга), шу жумладан миноритар акциядорларга ДИК веб-сайтида бундай шартномаларни ошкор қилиш билан овоз бериш пайтида консолидацияланган позицияларини шакллантириш учун акцияларга (улушларга) эгалик қилиш тўғрисида битимлар тузиш имкониятини беради.

8. Акциядорлар (иштирокчилар) билан ўзаро муносабатлар ва маслаҳатларни таъминлаш учун ДИК:

ДИК ва унинг акциядорлари ўртасида ўзаро алоқа қилиш ва маслаҳатлашувларга, шу жумладан веб-саҳифалар ва электрон почта орқали акциядорлар билан алоқа ўрнатишга имкон берадиган тизимларни ишлаб чиқади;

ДИКнинг барча манфаатдор томонлар (бошқарув органлари аъзолари, корхонанинг мансабдор шахслари ва ходимлари), акциядорлар (таъсисчилар), бозорнинг бошқа иштирокчилари, шу жумладан етказиб берувчилар ва мижозлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар учун коммуникация сиёсатини белгилайди;

корхонада содир бўлаётган муҳим воқеалар тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар (иштирокчилар) ва бошқа манфаатдор томонлар билан вақти-вақти билан учрашувлар ташкиллаштиради;

миноритар акциядорларнинг роли ва ҳуқуқларини уставлар ёки бошқа воситалар орқали чеклашга йўл қўймайди, шунингдек миноритар акциядорлар билан кун тартибидаги масалалар ва йирик битимлар тузишда маслаҳатлашувлар ташкил қилади;

акциядорларга (иштирокчиларга) давлат сиёсатининг мақсадларини

амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни (агар мавжуд бўлса) ошкор қилади.

Ушбу бандда назарда тутилган акциядорлар (иштирокчилар) билан алоқа қилиш бўйича ишларни назорат қилиш Кузатув Кенгаши томонидан, у йўқ бўлганда эса акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

9. ДИК бошқарувида миноритар акциядорлар (таъсисчилар) иштирок этишига хизмат қилиш учун:

ДИК Уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро этувчи орган ваколатларига кирадиган масалалар белгиланиши керак;

Кузатув кенгаши акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг кун тартибини олдиндан кўриб чиқилганидан кейин тасдиқлаши лозим;

ижро этувчи орган барча акциядорларга (муассисларга) акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг кун тартибига доир материалларни, шу жумладан йирик битимлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ушбу масалалар бўйича изоҳлар тақдим этади.

10. Битимларнинг фақат бозор шартларида тузилишини таъминлаш учун ДИК кузатув кенгаши:

ДИК ва аффилиланган шахслар ўртасидаги битимлар бозор шароитида асосий бўлимда (main board) уюшган биржа савдоларида тегишли маълумотларни ошкор қилган ҳолда амалга ошириладиган тартибни белгилайди;

аффилиланган шахслар рўйхатини тузади ва бозор шароитларига жавоб бермайдиган битимларни тақиқлаган тарзда аффилиланган шахслар билан тузилган битимларнинг адолатли бажарилишини таъминлайди;

аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар, шу жумладан жорий тадбиркорлик фаолияти давомида тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилади.

11. Шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари мавжуд бўлган ҳолларда ДИК шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилишни, шунингдек низоларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқишни таъминлайди.

Ш. МАНФААТДОР ТОМОНЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР ВА БИЗНЕСНИ МАСЪУЛИЯТЛИ ЮРИТИШ

12. ДИК барча манфаатдор томонлар, шу жумладан ходимлар, кредиторлар, мижозлар, етказиб берувчилар ва бошқалар олдидаги мажбуриятларини бажариши керак.

13. ДИК ижро этувчи органи Кузатув Кенгаши раҳбарлигида шартнома

мажбуриятларини бажариш ва манфаатдор томонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қуйидагилар назарда тутилган сиёсатни ишлаб чиқади:

манфаатдор томонларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг ҳуқуқларини аниқлаш, шунингдек барча манфаатдор томонларга адолатли муносабатда бўлиш мақсади;

кредиторлар, ходимлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг қонун ҳужжатларида ва ўзаро келишувларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари;

ахлоқ кодексида ёки бизнесни масъулиятли юритиш сиёсатида назарда тутилган манфаатдор томонларга нисбатан корхонанинг юқорида кўрсатилган сиёсатини самарали амалга ошириш учун кузатув кенгашларининг вазифалари;

корхона томонидан шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва манфаатдор томонларнинг ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш;

манфаатдор томонларнинг, шу жумладан ходимларнинг ДИКда ноқонуний ёки ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар амалиёти борасидаги хавотирлари ҳақида хабар бериш имконияти.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ

14. ДИКнинг олий органи корхона раҳбарияти томонидан қуйидаги асосий мақсадларга эришишга қаратилган сиёсатни белгилаб беради:

ташкilotнинг молиявий фаолиятида оқилона ёндашув ва самарадорлик; унинг молиявий ҳисоботлари ишончлилиги;

амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва стандартларига риоя қилиш.

ДИК қуйидаги кўрсаткичлар бўйича кенг қамровли тайёргарликка эга бўлган COSO (*The Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission*) моделлари асосида рискларни бошқариш ва ички назоратнинг интеграциялашган моделини амалга ошириши керак:

- барча рискларни аниқлаш ва таснифлаш (*рисклар харитаси*);
- аниқланган рискларни барча мавжуд усуллар ва дастурий таъминот ёрдамида баҳолаш;
- ҳар бир риск турини бошқаришни аниқлаш ва ҳар бир риск учун чегараларни белгилаш (*риск иштаҳаси*);
- корхона доирасида рискларни назорат қилиш ва уларга жавоб беришнинг самарали тизимини яратиш.

COSO модели бешта таркибий қисмни ўз ичига олади:

• **ички муҳит (*internal environment*)**. Ички муҳит - бу корхонадаги атмосфера бўлиб, корхона ходимлари томонидан риск қандай қабул қилиниши

ва унга қандай муносабатда бўлишларини аниқлайди. Ички муҳит рискларни бошқариш фалсафаси ва риск-иштаҳаси, ҳалоллик ва ахлоқий кадриятларни, шунингдек улар мавжуд бўлган муҳитни ўз ичига олади;

- **мақсадларни қўйиш (objective setting)**. Мақсадларни раҳбарият уларга эришишга таъсир қилиши мумкин бўлган воқеаларни аниқлашни бошлашдан олдин белгилаш керак. Рискларни бошқариш жараёни корхона раҳбарияти мақсадларни танлаш ва шакллантиришнинг тўғри ташкил этилган жараёни мавжудлиги ва улар ташкилотнинг вазифаси ва унинг риск-иштаҳаси даражасига мос келишига кафолат беради;

- **ҳодисаларни аниқлаш (event identification)**. Корхона мақсадларига эришишга таъсир этадиган ички ва ташқи ҳодисалар уларнинг риск ёки имкониятларга ажратилишини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Имкониятлар раҳбарият томонидан стратегияни шакллантириш ва мақсадларни белгилаш жараёнида ҳисобга олиниши керак;

- **рискларни баҳолаш (risk assessment)**. Рисклар уларга нисбатан қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини аниқлаш учун уларнинг пайдо бўлиши ва таъсир қилиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинади. Рисклар хос ва қолдиқ риск нуқтаи назаридан баҳоланади;

- **рискка жавоб бериш (risk response)**. Раҳбарият аниқланган рискни корхонанинг риск иштаҳаси ва йўл қўйиш мумкин бўлган риск даражасига мувофиқ ҳолга келтиришга имкон берадиган бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, рискка жавоб бериш усули – рискнинг олдини олиш, қабул қилиш, камайтириш ёки қайта тақсимлашни танлайди;

- **назорат воситалари (control activities)**. Сиёсат ва тартиб-таомиллар шундай тарзда ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилганки, юзага келадиган рискка жавоб бериш самарали ва ўз вақтида бўлишига оқилона кафолат беради;

- **ахборот ва коммуникациялар (information and communication)**. Керакли маълумотлар ходимлар ўзларининг функционал вазифаларини бажаришлари мумкин бўлган шаклда ва вақт оралиғида аниқланади, қайд этилади ва етказилади. Шунингдек, ташкилот ичида вертикал равишда юқоридан пастга ва пастдан юқорига ва горизонтал равишда самарали ахборот алмашинуви мавжуд;

- **мониторинг (monitoring)**. Корхонанинг барча рискларни бошқариш жараёни назорат қилинади ва зарур ҳолларда тузатиш киритилади. Мониторинг жорий бошқарув фаолияти доирасида ёки даврий баҳолаш орқали амалга оширилади.

- Кузатув Кенгаши рискларни бошқариш бўлинмасини ва мувофиқлик рискларини бошқариш учун масъул бўлган таркибий бўлинмани (кейинги ўринларда - Бўлинма) ташкил қилиши ва уларнинг мустақиллигини таъминлаши керак.

Бўлинма мустақиллигини таъминлаш мақсадида кузатув кенгаши ва рискларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса):

- бўлинманинг кузатув кенгаши олдида ҳисобдорлигини таъминлайди;

- бўлинма раҳбарларини тайинлайди (уларнинг ваколатларини тугатади);

бўлинма раҳбарлари ва ходимларига бирор ким томонидан босим ўтказилишининг олдини олади;

ДИК раҳбариятига хабар бермасдан, бўлинма ходимлари билан корхонадаги рисклар ҳолати тўғрисида тўғридан-тўғри мунозаралар олиб боради.

Рискларни бошқариш тизимини самарали ташкил этиш учун Кузатув Кенгаши қуйидагилардан иборат бўлган рискларни бошқариш сиёсатини тасдиқлаши керак:

- **риск иштаҳасини ҳисоблаш;**
- корхонанинг янги маҳсулотларни жорий этиш сиёсати;
- **стресс-тест ўтказиш механизми;**
- ДИК молиявий ҳолатини тиклаш режаси;
- рискларни бошқаришнинг ташкилий **структураси.**

Ижро этувчи орган ва бўлинма кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган рискларни бошқариш сиёсати ва ДИК бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ рискларни бошқариш тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

15. Кузатув кенгаши қуйидагиларни ўз ичига оладиган ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлайди:

кузатув кенгаши, раҳбарият, ходимлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг ахлоқий ҳаракатларига қўйиладиган талаблар, коррупцияга қарши кураш чоралари ва имтиёзларни излаш билан боғлиқ ҳаракатлар, шунингдек давлат корхоналарида ҳалоллик ва коррупцияга қарши кураш бўйича бош тамойилларга мувофиқ бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик;

ижро этувчи орган томонидан фирибгарлик жараёнлари билан боғлиқ масалалар бўйича ҳисоботларни Кузатув Кенгашига тақдим этиш жараёни, шунингдек фирибгарлик фактларини тасдиқловчи ёзувларнинг ҳисобдорлиги;

фирибгарликнинг олдини олиш ва аниқлаш билан боғлиқ масалалар бўйича тренинг ўтказишга қўйиладиган талаблар.

ушбу ДИК маъмурий мансабдор шахслари томонидан ҳаракатлар ва битимларни бажаришда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш.

ДИК қуйидагиларни ўз ичига оладиган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилинишини таъминлаш учун манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатга эга бўлиши керак:

бошқарув аъзолари, бўлинма бошлиқлари ва корхона ходимларининг ДИК манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш мажбурияти;

жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча ходимларга тенг муносабатда

бўлиш.

16. Масъулиятли ишбилармонлик хулқ-атворини таъминлаш учун ДИК: ўз фаолиятида тегишли экологик стандартларни, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик стандартларини қабул қилишга, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга, шунингдек ходимлар ва касаба уюшмалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чоралар кўради;

ҳар йили бизнес амалиёти, тегишли экологик стандартларга риоя қилиш, барқарорлик, ижтимоий муаммолар, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик стандартлари, шунингдек, ходимлар ва касаба уюшмалари билан боғлиқ муаммолар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилади;

ушбу ДИК билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ёки тартибга солиш бўйича ҳар қандай манфаатни ошкор қилади (махфий ва тижорат сири маълумотларидан ташқари);

уларнинг бизнес-мақсадлари ва уставларда кўрсатилган вазифалар билан боғлиқ бўлмаган активларга инвестиция киритмайди;

сиёсий партиялар ва сиёсий манфаатларга эга ташкилотлар фаолиятини кўллаб-қувватлашда қатнашмайди.

V. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ВА ШАФФОФЛИК

17. ДИК фаолият шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш учун:

чораклик ва йиллик ҳисоботни, шу жумладан ушбу қоидаларнинг тавсияларини «риоя қил ёки тушунтир» тамойили бўйича бажариш, моддий фактлар ва қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар (махфий маълумотлардан ташқари), шунингдек ҳар қандай муҳим воқеалар ёки муҳим корпоратив ўзгаришларни ошкор қилади;

молиявий ҳисоботларни МҲХС га мувофиқ эълон қилади;

корхонанинг мақсади ва унга юкланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишни амалга оширади;

ДИКнинг давлат улушига эга бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

ушбу корхона назорат остидаги шўъба корхоналари ва ташкилотлари бўлган бош корхона саналган ҳолларда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тайёрлайди;

МҲХСга мувофиқ, фойда ва/ёки зарарлар, шунингдек, сегментлар бўйича тушум тўғрисидаги маълумотларни тузади ва эълон қилади;

МҲХСга мувофиқ аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотларни батафсил ошкор қилади;

корхонанинг капитал структураси (мулк улуши 20 фоиздан ортик), шунингдек, давлат номидан иш юритувчи давлат органи – акциядор (иштирокчи) тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

олтин акция, вето ҳуқуқи каби битимлар ёки махсус ҳуқуқларни ошкор қилади;

ижро этувчи орган ва кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва бошқа тўловлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилади;

корхона веб-сайтида корхона бошқарув тузилмаси, ижроия органи аъзолари ва кузатув кенгаши, уларнинг ёши, малакаси, иш тажрибаси ва вазифалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

барча ошкор қилинган маълумотлар корхонанинг веб-сайтида оммага очик бўлиши керак.

амалдаги қонун ҳужжатлари билан ошкор этилиши шарт бўлган маълумотларни расмий веб-сайтда доимий равишда эълон қилади.

18. Йиллик ҳисобот билан бир қаторда ДИК ўз сайтида қуйидагиларни эълон қилади:

а) қуйидагиларни кўзда тутадиган бошқарув таҳлили бўйича ҳисобот:

тармоқ структураси, тармоқдаги ДИК самарадорлиги ва вазифаларига алоқадор миллий ва халқаро ишланмалар;

корхонанинг SWOT таҳлили (кучли ва кучсиз томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар), шу жумладан махфий маълумотлардан ташқари маълумотлар; сегмент ёки маҳсулотнинг унумдорлиги; асосий рисклар ва муаммолар; ички назорат тизимлари ва уларнинг тўғрилиги; қиёсий тадқиқотлар учун ҳисобот йили ва олдинги икки йил учун операцион натижаларга нисбатан молиявий натижаларни муҳокама қилиш;

инсон ресурсларидаги моддий ўзгаришлар; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, технологияларни сақлаш ва ривожлантириш (агар бу корхонанинг бизнес соҳасига тегишли бўлса);

давлат сиёсатида белгиланган вазифаларни бажариш (мавжуд бўлса), ушбу мақсадларни амалга ошириш харажатлари ва уларни молиялаштириш манбалари;

б) қуйидагиларни назарда тутадиган рискларни бошқариш структураси:

рискларни аниқлаш, бошқариш, назорат қилиш ва улар ҳақида хабар қилиш тартиби;

ДИК дуч келадиган рисклар характери ва тури, рискларни бошқариш жараёнлари ва бундай рискларни бошқариш учун қўлланадиган тартиб-таомиллар;

фирибгарликнинг олдини олиш ва аниқлаш борасида персонал жавобгарлиги;

фирибгарлик билан боғлиқ масалалар бўйича назоратни амалга ошириш учун ҳисоботлар тақдим этиш жараёни;
 фирибгарликни тасдиқлайдиган ёзувлар ва ҳисобот жараёнлари;
 фирибгарликнинг олдини олиш ва аниқлаш бўйича тренинглар ўтказиш талаби.

19. ДИК давлат органи билан ўзаро алоқаларга эга бўлган ҳолатларда у куйидагилар ҳақида маълумотларни ошкор қилади:

давлат хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятлар, давлат ва корхона ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар, молиявий ёрдам, олинган грантлар ва субсидиялар, шунингдек, агар ушбу маълумотлар махфий бўлмаса, Ҳукумат томонидан ДИК фаолияти билан боғлиқ кафолатлар;

маълумотларни ошкор қилишнинг энг яхши амалиётига мувофиқ ДХШ.

20. ДИК фаолияти устидан тегишли ташқи назоратни амалга ошириш учун:

корхона халқаро аудит стандартларига (ISA) мувофиқ ҳар йили молиявий ҳисоботнинг мустақил ташқи аудитини ўтказди;

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритишни амалга оширади;

уставга акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши томонидан аудиторлик ташкилотини аниқлаш тўғрисидаги низомни киритади;

корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботи акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

21. Кузатув кенгаши ва ижро этувчи орган аъзоларининг вазифалари, жавобгарликлари ва миқдорий таркиби, уларнинг ваколатлари муддати ва уларни тайинлаш тартиби ДИК устави билан белгиланади.

22. Кузатув Кенгаши самарадорлиги корпоратив бошқарув тизимининг жорий этилишини баҳолаш асосида аниқланади.

23. ДИК:

Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар учун малакавий талаблар (тижорат, молиявий ва тармоқ тажрибаси) белгилайди;

кузатув кенгашига мустақил аъзоларни корхона уставида назарда тутилган умумий сондан бир нафардан кам бўлмаган миқдорида киритади;

корхонада энг малакали бошқарув бўлишини таъминлайди. Ижро этувчи орган аъзосини алмаштиришда кузатув кенгаши кенг манбалардан олинган малакаларни ҳисобга олиши ва чет эллик номзодлар учун очиқ

бўлган танлов жараёнини кўриб чиқиши керак;

тайинлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган танлов эълон қилиш тартиб-таомиллари, холис танлаш мезонлари тавсифланган ҳолда раҳбарлик лавозимларига танлов асосида саралаш қоидаларини тасдиқлайди;

ДИК фаолиятига оид масалалар бўйича семинарлар, шунингдек, корпоратив бошқарув бўйича ихтисослаштирилган ўқув курслари орқали кузатув кенгаши аъзоларининг малака ва кўникмаларини ошириш бўйича ҳар йили тренинглари ўтказилади. Кузатув кенгашининг янги аъзолари корхонани, у фаолият кўрсатаётган муҳитни, унинг стратегик мақсадларини ва корхонани бошқаришдаги ролини тушунишга ёрдам бериш ва унинг мақсадига эришишни таъминлашдан иборат бўлган ишга киришиш тренингидан ўтишлари керак;

тегишли масалалар бўйича унинг муҳокамасини қўллаб-қувватлаш учун фақат кузатув кенгаши аъзоларидан иборат қўмиталар, жумладан, аудит, тайинлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция қўмиталари тузади.

24. Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўла олмайди:

охирги уч йил давомида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига (бевосита ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) эгаллик қилувчи акциядор;

жамиятнинг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан ортиқ суммага амал қиладиган шартнома тузилган шахслар ҳисобланади;

охирги уч йил давомида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизмати кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлган шахс;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан ҳар қандай келишувга эга бўлган шахс, кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функцияларининг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ битимлар бундан мустасно;

жамият ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахслари бошқарув ва ички назорат органларининг аъзоси саналган ёки охирги уч йил ичида аъзоси бўлган шахс билан яқин қариндош бўлган шахс (ота-она, ака-укалар, опа-

сингиллар, ўғиллар, қизлар, турмуш ўртоқлар, шунингдек, ота-она, ака-ука, опа-сингиллар ва турмуш ўртоқларнинг фарзандлари);

давлат бошқарув органи ёки давлат корхонаси ходими бўлган шахс;

жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган шахс.

Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишларида сайланади ёки давлат корхонаси таъсисчисининг қарори билан қонун ҳужжатларида ва корхона уставида белгиланган муддатга тайинланади.

25. ДИК кузатув кенгаши:

ДИК манфаатларини кўзлаб иш юритади, мустақил ва холисона қарорлар қабул қилиш, барча акциядорлар (иштирокчилар) тенглигини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади;

кузатув кенгаши, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши, корхона устави ва ривожланиш стратегияси томонидан белгиланган вазифаларни бажариш учун ижро этувчи органларга ўз ваколатлари доирасидаги масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича талабларни киритади;

акциядорлар, корхона бошқаруви ва назорат органлари аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, жавобгарлик ва назорат тамойиллари асосида ўзаро ҳамкорлик қилади;

тегишли самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди ва асосий рискларни аниқлайди;

кузатув кенгаши раиси кузатув кенгаши ва ижро этувчи орган аъзоларининг жавобгарлик суғуртаси таъминланиши устидан назоратни амалга оширади;

ички назоратнинг умумэътироф этилган тамойилларига: холислик, ҳалоллик ва ДИКга нисбатан қўлланиладиган қонунлар, қоидалар ва низомларга умумий мувофиқликни таъминлаш учун асосли сиёсат, тартиб-таомиллар, назорат ва мувозанат тизимини ўз ичига олган ишончли ички назорат тизимини шакллантиради;

молиявий ҳисоботлар корхона тўғрисидаги маълумотларни адолатли тақдим этиши ва тахмин қилинган рискларни акс эттиришини кафолатлаб, ахборотни ошкор қилиш ва коммуникация жараёнларини назорат қилади;

корхона ижро этувчи органининг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва уларни корхона кузатув кенгашига юкланган вазифаларни бажариш учун ижро этувчи органдан олади. Олинган ҳужжатлардан корхона кузатув кенгаши ва унинг аъзолари

фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин.

26. Кузатув кенгаши аъзоларига нисбатан қуйидаги фидуциар мажбуриятлар амал қилади:

ғамхўрлик кўрсатиш мажбурияти - бу мажбурият кузатув кенгаши аъзосидан тегишли эҳтиёткорлик ва ғамхўрлик билан ҳаракат қилишни талаб қилади;

садоқат кўрсатиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти - бу мажбурият кузатув кенгаши аъзосидан биринчи навбатда корхона манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишни талаб қилади;

тегишли эҳтиёткорлик кўрсатиш мажбурияти - бу мажбурият кузатув кенгаши аъзосидан корхонага оид қарорлар қабул қилишда эҳтиёт бўлишни талаб қилади;

мустақил мулоҳаза юритиш мажбурияти - бу мажбурият кузатув кенгаши аъзосидан шахсий манфаатлари ва бошқа манфаатларини ҳисобга олмасдан, мустақил равишда қарор қабул қилишни талаб қилади.

27. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ низоларнинг юзага келишининг олдини олиш ва ҳал этиш учун ДИК Кузатув Кенгаши томонидан қуйидагиларни ўз ичига оладиган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқилади ва тасдиқланади:

корхона мансабдор шахсларининг корхона манфаатларида фаолият юритиш мажбурияти;

корхона мансабдор шахслари ҳаракатлар ва операцияларни амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш, шунингдек улар томонидан маълумотларни ошкор қилиш;

корхона мансабдор шахсларининг кузатув кенгашини манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги тўғрисида хабардор қилиш мажбурияти;

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича батафсил регламент, шу жумладан уларни ҳал қилиш учун манфаатдор бўлмаган учинчи шахсни тайинлаш ёки кузатув Кенгашининг мустақил аъзосига (мустақил аъзоларига) манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш мажбуриятини юклаш йўли билан.

28. Ички назоратнинг самарали механизмларини жорий қилиш учун ДИКда, шу жумладан контрагентлар билан ўтказиладиган операциялар бўйича ички аудитни амалга ошириш ваколатига эга бўлган ички аудит хизматлари ташкил қилинади.

Ички аудит хизмати ходимлари кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва унга ҳисоб беради.

29. ДИК йиллик молия ҳисоботи қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда нашр қилинади.

Ташқи аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ҳар йили танлов асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ташқи аудиторни акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаш учун тавсия этадиган кузатув кенгашининг жавобгарлиги остида амалга оширилади.

ДИК ташқи аудит хизматларини кўрсатишда иштирок этадиган аудиторлик гуруҳининг бошқа аъзолари ёки ҳамкорлари икки йиллик муддат тугашидан олдин кузатув кенгаши аъзолари ёки корхонанинг асосий менежерлари этиб тайинланиши мумкин эмас.

VII. ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

30. Самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида ДИК бошқарувига ҳукумат раҳбари ва аъзоларини ёки сиёсий партиялар раҳбарларини сайлашга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

31. Ижро этувчи орган аъзолари ДИК жорий молиявий-хўжалик фаолияти учун жавобгар ҳисобланади.

32. Раҳбар ижро этувчи орган аъзоларининг ва ўз жавобгарлигининг суғурта қилинишини таъминлаш мажбуриятини олади.

33. Корхона уставида бошқарув раҳбарининг (бошқарув раисининг) ваколатлари белгиланган бўлиши лозим.

34. Ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги корхонанинг асосий самарадорлик кўрсаткичларни амалга ошириш натижалари бўйича аниқланади.

35. Ижро этувчи орган аъзоларига малакавий талаблар кузатув кенгаши томонидан белгиланади ва ДИК фаолият хусусиятига (тармоғига) мувофиқ тақдим этилади (тижорат, молия ва тармоқ тажрибаси).

36. Унга юкланган вазифаларни бажариш ва корхонанинг корпоратив мақсадларига эришиш учун ижро этувчи орган корхона ходимлари ва ташқи экспертларни ўз ичига олиши мумкин бўлган тезкор қўмиталар ёки ишчи гуруҳларни тузиш имкониятларини кўриб чиқиши керак.

VIII. ҚОИДАЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МОНИТОРИНГИ

37. Қоидаларнинг бажарилиши устидан мониторинг амалга ошириш учун ДИК ижро этувчи органи кузатув кенгаши назорати остида 3-иловага мувофиқ шакл бўйича қоидалар тавсияларига риоя этилишини баҳолайди.

38. Баҳолаш натижалари ҳар йили кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Давлат иштирокидаги корхоналар
учун корпоратив бошқарув
қоидаларига 1-илова

**Корпоратив бошқарув қоидаларини тайёрлаш ва жорий қилиш бўйича
давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан қўлланиладиган
ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич Кириш	Кузатув кенгаши ёки ижро этувчи орган	1. Акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишига корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига риоя қилиш масаласини тақдим этиш.	Бошқарув органлари томонидан белгиланган муддатларда
	Таъсисчи (акциядорлар умумий йиғилиши)	2. Акциядорлар (таъсисчилар) умумий йиғилиши томонидан корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этилиши тўғрисидаги қарорни ва хабар шаклини тасдиқлаш.	Акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишида
	Ижро этувчи орган	3. Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига амал қилиш тўғрисида хабар эълон қилиш	Акциядорлар умумий йиғилиши (таъсисчи) томонидан тасдиқланганидан кейин 10 кун ичида
2-босқич Ҳужжатлар тайёрлаш	Ижро этувчи орган	1. Зарур ҳолатларда учинчи томон ташкилотларини жалб қилган ҳолда ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	Жорий қилиш давомида
	Ижро этувчи орган	2. Ички ҳужжатларни қабул қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Кузатув Кенгашига тақдим этиш	Жорий қилиш давомида

	Кузатов кенгаши ёки акциядорлар (иштирокчилар) умумий	3. Ишлаб чиқилган ички ҳужжатларни маъқуллаш (тасдиқлаш).	Жорий қилиш давомида
--	---	---	----------------------

3-босқич Мониторинг	Кузатов кенгаши	1.Қоидаларнинг тавсияларига риоя қилиш натижаларини кўриб чиқиш	Йил якунлари бўйича Кузатов Кенгаши йиғилишида
	Ижро этувчи орган	2. Тавсиялар натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш	Кузатов кенгаши қарори билан белгиланган муддатларда
	Акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши	3. Акциядорлар (иштирокчилар) йиллик умумий йиғилишида натижаларни кўриб чиқиш ва жорий қилиш натижаларини эълон қилиш.	Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда

Давлат иштирокидаги
корхоналар учун корпоратив
бошқарув қоидаларига 2-илова

**Корхона томонидан корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларини
қабул қилганлик ҳақида
ХАБАР ШАКЛИ**

«_____» (ОАЖ, МЧЖ, ДУК) шуни хабар қиладики, акциядорлар умумий йиғилиши (иштирокчилар, таъсисчи) «__» _____ 202__й. №__-сонли қарори билан корхона «__» _____ 202__йилдан бошлаб Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан «__» _____ 202__йилда тасдиқланган давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига риоя қилиш мажбуриятни қабул қилди.

Давлат иштирокидаги
корхоналар учун корпоратив
бошқарув қоидаларига 3-илова

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ҚОИДАЛАРИГА
РИОЯ ҚИЛИШНИШИ БАҲОЛАШ
НАТИЖАЛАРИ

№	Тавсиялар	Риоя қилинди	Риоя қилинмаслик сабаблари